



Мэр
хукумат
йиғинидан
нега чиқиб кетди?

2-бет



Июнь
фожиасига
икки йил
тўлди

4-бет



Д. Ҳайдаров:
«Турма
азобини
бизлардан сўра»

8-бет

Дайджест

холис ахборот олиш имкони

www.uzpress.kg

№1(13), 15 ИЮНЬ 2012 ЙИЛ

Қамокдан маҳбус жасади ЧИҚДИ

3-бет

“Дайджест” - холис ахборот ОЛИШ ИМКОНИ

Сиёсат оламини қадам ба қадам кузатиб бориш имкони... Халқаро оммавий ахборот воситаларининг сиёсий шарҳловчилари, журналистлари таҳлиллари билан танишиш имкони... Юракни қийнаётган, ўртаётган муаммолар билан, долзарб фикрлар билан фикрлашиш имкони... Буларнинг барини Сизга “Дайджест” газетаси таклиф қилади. Албатта, Сизда бу таклифни қабул қилиш ёки қилмаслик имтиёзи ҳам мавжуд.

Дайджест билан бирга бугунги оламини дунё - Марказий Осиё - Қирғизистон воқеаларини имкон қадар холислик билан кузатиб бориш ИМТИЁЗИ ўйлаймизки, барчамизга мароқли ва фойдали бўлажак.

Шунингдек, Қирғизистондаги кундалик хабар, воқеа ва ҳодисалар тафсилотларини www.uzpress.kg маълумот - тахлилий порталимизда ҳам ўқишингиз мумкин.

Ҳафтада бир бора чиқувчи “Дайджест” газетасини ҳукмингизга тақдим этаётиб, Сиз билан яна кўп бора юзлашмоқликни умид қилдик.

Тахририят.



Ўшда ўрта мактаб директорлари таъқиб остига олинмоқда

• CA-NEWS

Ўш шаҳри мактабларининг директорлари таъқиб остига олинмоқда. Бу ҳақда Жўғурку Кенешнинг "Ата-Журт" партиядан депутати Азамат Арапбаев парламентнинг 14-июндаги йиғилишида маълум қилган.

Депутат Жўғурку Кенешда президент ва ҳукумат вакиллари муурожаат қилиб, Ўш шаҳрининг таълим тизимида қатағон юз бераётганлигини таъкидлаган. Президент сайловлари ва маҳаллий кенгашларга депутатлар сайловлари бўлиб ўтди.

Директорлар таъқиб қилиниб, уларнинг сайловлар пайтида у ёки бу партияди кўллаб-қувватлагани таъкидланиб, ўринларини бўшатиб қўйиш талаб қилинмоқда. "Ушбу муаммони ҳукуматнинг барча бутуқларига етказиб қўйишни ва уни ҳал қилишни сўраманам", - деди депутат.

Қ. Ботировга тегишли дам олиш уйи мусодара қилинди

• CA-NEWS

Қодиржон Ботировнинг мол-мулкни мусодара қилиш ва миллийлаштириш ишлари давом этмоқда. Бу ҳақда "АКИпресс - Ўш" ахборот агентлигининг Жалолобод вилоятидаги муҳбири Ўрўзали Қарасартовга Жалолобод вилоят Суд департаментидан хабар беришган.

Суд департаменти бошчиси Зарил Маметовнинг таъкидлашича, К.Сейдақматов бошчилик қилган суд ижрочилари тарафидан Қ.Ботировга тегишли Арлонбоб оромгоҳи мусодара қилиниб, қишлоқ ҳукумати қарамоғига ўтказилган.

Унинг сўзларига қараганда, оромгоҳ Қ.Ботировга тегишли бўлган, аммо у рўйхатда бошқа одамнинг номида бўлган.

Ҳозирча ҳукумат Дам олиш уйи масаласи бўйича тегишли қарор қабул қилмаган, лекин маҳаллий ҳукумат оромгоҳга сайёҳларни жалб этиб, хизмат кўрсатиш савиясини кўтарди, деб қўшимча қилади у.

Ўш мэри ҳукумат йиғинидан нега чиқиб кетди?

Ўш шаҳар мэри Мелис Мирзақматов 13 июнда ҳукумат йиғинидан тасодифан чиқиб кетиши турли саросималарни яратди.

• Азаттиқ радиоси

Марказий ҳукумат билан Ўш шаҳрининг мэри икки йилдан буён тил топиша олмай келади. Бишкекнинг мэрни хизматидан бўшатиши бўйича бир қанча ҳаракати натижа бермаганлиги ҳам маълум. Қонли воқеалар ўрин олган шаҳар мэрининг атрофидаги кичик воқеалар ҳам турли овоза ва дув - дув гапларни яратиб юборяпти. Мана шундай воқеаларнинг бири 13-июнда бўлиб ўтди.

Ўш шаҳар мэри Мелис Мирзақматов ҳозирги ҳукумат учун эртақдаги "ўтда куймаган, сувда чўкмаган" девга айланган каби. Ҳукумат унга бошқа хизматларни ваъда қилиб кўрди, унга кўнмади. Сайлов бўлди, унда ҳам энгиб чиқди. Янги сайланган Ўш шаҳар кенгаши кузда Мелис Мирзақматовни қайтадан сайлаб олишга ҳаракат қилади. Бунинг учун шаҳар кенгашида Мирзақматовнинг депутатлари ҳам етарли.

Лекин марказ мэрни хизматдан олишни яна тайёрлашни қонуний йўлини аниқлапти. 12-июнда Жоғорку Кенешнинг давлат тузилиш ва конституциявий қонунчилик қўмитасида "Ўш шаҳар мэри ҳақидаги" қонун лойиҳаси қаралди. Бу лойиҳада мэрни тайинлаш ва хизматдан олишда

ваколат ҳукумат бошчисига берилади.

Қўмитанинг аъзоси Абдижапар Бегматов қонунда мэриликка номзодни кўрсатишнинг иккита йўли қаралаётганини билдирди.

- Биринчи вариант бўйича бош вазир номзодни таклиф қилади. Депутатлар сайлаб олишади. Иккинчи вариантда кўпчиликни ташкил қилган коалиция бир битимга келиб туриб, бош вазирга таклиф қилади. Кейин ҳукумат бошчи беркилади. Иккала вариантни ҳам биз палатага таклиф қиляпмиз. Кейин энди сайловгагина борадик...

Мэрни хизматдан олишда ҳукумат бошчининг ваколати ечувчи бўлади. Бунгача ундай ваколат президентда бўлиб келган эди.

Мелис Мирзақматовнинг ҳукуматдаги сиёсий кучларга бош эгмай, мустақил бўлаётганлиги марказга кескин ёқмасдан, икки ўртада тўқнашувлар бўлиб келаётганлиги маълум. Шунинг учун Мирзақматовнинг ҳар бир қадами турли ўйларни, шов - шувларни пайдо қилиб юборяпти.

Мана шундай овозаларга куч берган воқеаларнинг бири 13-июнда бўлди. Бу кун ҳукуматнинг йиғинида ўлканинг иқти-

содий аҳволи бош масала қатори кўрилган. Йиғинда Мелис жаноблари ўзини ёмон хис қилиб ташқарига чиқиб кетган. Ҳукумат бошчи Ўмурбек Бабанов ҳиссиётга берилиб мэрни йиғинга қайта чақириб келишга буюрган.



Ҳақиқатдан ҳам бу ўзгача маъно берадиган воқеа ҳам эмас. Лекин маълум сабаблар унга мажбур қиляпти.

Мелис Мирзақматов ўзи "Азаттиқ"нинг хабарчиси билан 13-июндаги суҳбатида "қасалхонага ётиб қолди" деган сўзларни инкор қилиб "саломатлиги жойида" эканини билдирган.

Мэрининг биринчи ўринбосари Алимжан Байгазаков бўлса Мелис Мирзақматовнинг чиндан ҳам қон босими юқори бўлаётганини айтади:

У ўзи оғриётган эди. Бироз қон босими кўтарилиб кетибди. Ўтганда ҳам президентнинг Ўшдаги сафарининг охиригун кун оғриб, даволанган. Ўзи даволансам деб режалаштираётган эди.

Мелис Мирзақматов ҳукумат олдида хисобот бериш олдида шундай воқеага дуч бўлди. Шунинг учун Ўш шаҳрининг кўрсаткичлари ночор бўлганлигидан мэр хисобот беришдан қочди деган гаплар ҳам чиқиб кетди. Лекин Алимжан Байгазаковнинг айтиши бўйича шаҳарнинг кўрсаткичлари дуруст:

Шаҳарнинг экономикаси биз режалаштиргандек яхши боряпти. Беш ойнинг якуни бўйича 133% ўсиш бўлди. Шунинг учун бу томондан бизда ҳаммаси жойида.

Байгазаковнинг айтишича, ўсишни маҳаллий тадбиркорлар қилишяпти. Шу ўринда Ўш ва Жалолободни қайта тиклаш давлат дирекцияси ўтган йили дуруст кўрсаткичларни бериб, бироқ бу йили 45 фоизга пасайиб кетди.

Ўшда ойлик маош, бюджет тўловлари ҳозирча бериляпти. Бироқ йил охирига борганда қийинчилик пайдо бўлади. Чунки мўлжалланган солиқ йиғилмай қолиши мумкин, дейди Байгазаков.

Қуроллар қайтарилганича йўқ

Қирғизистон расмийларига кўра, Ўш ва Жалолобод қирғини пайти ўғирланган ва хужумларда қўлланган қурол-яроғнинг ярмидан кўпи ҳамон топилмаган

• БиБиСи Ўзбек хизмати

Бу қуролларни ҳарбийлар ва милициядан тортиб олган хужумчилар яна бир бошқа зўравонликка қўл уриши эҳтимоли расмийлар ва таҳлилчиларни хавотирга солмоқда.

Норасмий манбаларга кўра, ҳозир бу қуроллар қора бозорда сотилади.

Қирғизистон хабар агентликлари қора бозорда Макаров тўппончасини 1 ярим минг долларга, Калашников автоматини эса минг долларга сотиб олиш мумкинлигини ёзишмоқда. Битта қўл гранатаси 300-500 АҚШ доллари атрофида туради.

Собиқ президент Бакиевни қудратдан кетказган 2010 йил апрелидаги воқеалар чоғи мингдан зиёд турли қурол-яроғ ўғирланган эди. Кейинроқ июн ойида Ўш ва Жалолободга хужум қилган шахслар ҳарбийлар ва мил-



цияга қарашли яна юзлаб қурол-аслаҳани қўлга киритишган.

Қирғизистонлик журналистларга кўра, давлат назорати заиф бу мамлакатда қуролли жиноий гуруҳлар мавқеи шундоқ ҳам ҳар вақт баланд эди ва энди қора

бозорда ноқонуний қурол сотиб олиш имконлари кўпайгани аҳволни янада ёмонлаштириши мумкин.

Кўпчилик бу қуроллар билан янги зўравонликлар содир этилиши эҳтимолидан хавотирда.

Айрим кузатувчиларга кўра, июн қирғинида ишлатилган айрим қуроллар контрабанда йўли билан Афғонистондан келтирилган бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозир Тожикистоннинг қарийб назоратсиз шарқий минтақаларидаги тоғ йўллари бўйлаб, Афғонистон шимол-шарқидан қурол-яроғ ва бангивор моддаларни Қирғизистонга олиб ўтиш осонлиги айтилади.

Ўш қирғинида айбланган маҳбуснинг жасади чиқди

Ўш қирғинида иштирок этганликда айбланиб бир умрга қамалган Ғофуржон Абдурахмоновнинг қамоқдан жасади чиқди

• **Озодлик радиоси**

Ғофуржон Абдурахмонов 2010 йил июн ойида содир этилган Санпа воқеаси айбдори сифатида айбланиб, бир умрга қамалган 19 маҳбусдан бири.

Ўш қирғини кунлари Жалолобод вилоятининг Сузоқ туманида яшовчи бир гуруҳ ўзбек миллатига мансуб одамлар Бишкек –Ўш автотўлининг Санпа деб номланган қисмини тўсиб қўйган эди. Йўлни тўсанлар ҳукумат томонидан Бишкекдан Ўшга кетаётган ўнга яқин одамни ўлдирганликда, ўнлаб автомашиналарга ўт қўйганликда айбланган. Санпа воқеасида айбланиб қамалган 19 одамнинг 18 нафари бир умрга кесилган, 1 одамга эса 25 йиллик муддат белгиланган.

Қирғизистон Жазони ўташ бош бошқармаси матубот котиби Элеонора Сабатарованинг айтишича, Ғофуржон Абдурахмонов 12 июн кунини эрталаб Чуй вилоятининг Петровка қишлоғидаги қамоқхонадан Бишкекдаги 1-сонли қамоққа кўчирилган. Шу

куни туш пайти камерадан унинг жасади топилган.

- Тахминан кундузги соат бирларда олтинчи камерада бўйнидан дераза панжарасига осилган ҳолда муҳбус Абдурахмоновнинг жасади топилган. Қирғизистонда умрбод қамалганлар учун қамоқхона йўқ. Шунинг учун улар мунтазам тарзда у қамоқхонадан бошқа қамоқхонага кўчирилиб турилади. Абдурахмонов ҳам Бишкекдаги қамоқхонага вақтинча кўчирилган эди, - деди Элеонора Сабатарова.

Расмийнинг билдиришича, айни пайтда Жазони ўташ бош бошқармаси ва махсус прокуратура мазкур ҳолат юзасидан тергов бошлаган. "Абдурахмонов ўз жонига қасд қилганми ёки бошқа сабаблар билан ўлганми?" деган саволга тергов яқунлангач жавоб берилади.

Санпа воқеасида айбланганларга судда ҳуқуқий ёрдам кўрсатган Жалолободдаги "Справедливость" ҳуқуқ ташиқилоти фаоли Абдумалик Шарипов мазкур воқеа юзасидан маълумотлар оз эканини, бироқ воқеа таф-

силотларини билиш ва ўрганиш Ўш қирғинида айбланиб умрбод қамлаган бошқа маҳбуслар хавфсизлиги учун муҳим эканини айтди:

- Суриштиришимизга қара-

монов собиқ милиция ходими бўлган.

Озодлик: Санпа воқеаси юзасидан судланган бошқа маҳбусларнинг аҳолидан хабардормисизлар?



ганда, Абдурахмонов Петровкадаги қамоқхонадан Бишкекдаги СИЗОга олиб келиниб, яқин камерага қамалган. Эрталаб эса унинг ўлиги топилган. Биз бу борада расмий тафсилотларни сўраб ҳукумат ташкилотларига мурожаат қила олмаймиз. Чунки Абдурахмонов бизнинг ҳимоямиздаги одам эмас, у ўзига алоҳида адвокатлар олган эди. Абдурах-

- Қолган маҳбуслар ҳозирча соғ-саломат. Албатта, улар орасида касал бўлганлари бор. Лекин ўлим ҳолати биринчи бўлиб қайд этилапти. Ҳозир биз ҳам ташвишдамиз. Тергов яқунланишини ва Абдурахмонов ўлими тафсилотларини кутаяпмиз. Чунки бу воқеа бошқа маҳбусларнинг хавфсизлиги учун ҳам муҳимдир, - деди Абдумалик Шарипов.

Милиция ходимлари озод этилган

"Россия фуқароси ўлимига алоқадор гумон этилган Қирғизистон милиция ходимларининг барчаси озод этилган"

• **БиБиСи Ўзбек хизмати**

Россия фуқароси ўлимига алоқадор гумон этилган Қирғизистон милиция ходимларининг барчаси озод этилган

Ўтган йил Жалолобод вилоятининг Бозорқўрғон туманида қийноқлар ва калтаклар туфайли дунёдан кўз юмган Россия фуқароси Усмонжон Холмирозев ўлимига алоқадор кўрилган яна икки милиция ходими қамоқдан озод этилган.

Марҳумнинг оиласига бу ҳақда уларнинг ҳимоячилари маълум қилган.

Сўнгги икки милиция ходимининг озод этилиши билан Усмонжон Холмирозев иши бўйича маҳкамага тортилган барча гумондор қамоқдан чиқарилган.

Жалолобод вилоят ички ишлар бошқармасининг тезкор қидирув ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари Кубан Нуриев, шу бошқарманин яна бир ходими Мунарбек Маматалиев ва Бозорқўрғон тумани милиция ходимлари Нургази Тутшев ва Уларбек Исмаиловлар Россия фуқаросини шафқатсиз калтаклаш ва қийноққа солишда айлангандилар.

Айни ҳодиса юзасидан Қирғизистон Жиноят кодексининг "Жабранувчи ўлимига сабаб бўладиган даражада зарар етказиш", "Лавозимини суистеъмол қилиш" ва "Қийноқ қўллаш" моддалари бўйича жиноий иш кўзга тилган.

Усмонжон Холмирозев оиласининг ҳимоячиларига кўра, айбланувчиларни озодликка чиқаришга доир маҳкама йиғинида жабранувчи томон вакиллари қатнаштирилмаган.

Маҳкама жабранувчи томонга йиғин

ҳақида маълумот бермаган.

Усмонжон Холмирозев ўлимига доир иш қайта терговга жўнатилган.

Ўтган йили август ойида Жалолобод вилоятининг Бозорқўрғон тумани милицияси ходимлари ушлаб турганларидан кейин уйига келиб вафот этган Усмонжон Холмирозев Қирғизистон милициясидаги ноинсоний муомала кўрбони бўлган ягона инсон эмас.

2011 йил 1 сентябр куни Ўшдаги 5-ҳибсхонада 63 ёшли Маматазиз Бузруков ҳаётдан кўз юмган.

Қирғизистон Омбудсмани Турсунбек Акунга кўра, маҳбуснинг оғир касаллиги бўлсада, ҳибсхона ходимлари ва тиббиёт вакиллари унга бепарво муносабатда бўлганлар.

Маматазиз Бузруков ўғлининг ортидан 2010 йил июнидаги миллатлараро низоларга алоқадорлик гумони билан ҳибсга олинган.

Қирғиз маҳкамаси ўша ҳодисаларда айбланган бир умрга қамоқ жазоси тайинлаган бозорқўрғонлик таниқли инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Азимжон Асқаровнинг иши халқаро миқёсда танқидларга сабаб бўлди, Қирғизистон раҳбариятидан Азимжон Асқаровни озод қилиш талаб қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларига кўра, Қирғизистон маҳкамалари қийноқлар асосида олинган кўрсатмаларни қонунийлаштириб бермоқда, миллатчиликни янада кучайтирмоқда.

Қирғизистонга ташриф буюрган БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Хуан Мендес ҳуқуқ-тартибот идоралари ва айниқса қамоқхоналарда қийноқлар кенг тарқалганлигини айтган.

Бу абгор вазиятни Қирғизистон расмийлари ҳам тан олганлар.

Азимжон Асқаровни озод қилиш

ҳаракати тўхтамади

• **Озодлик радиоси**

Ню Йоркдаги журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси АҚШ, Европа Иттифоқи, ОБСЕ раҳбариятига Қирғизистон ҳукуматини Азимжон Асқаровни тезликда ва ҳеч қандай шартларсиз озод этишга чақиришни тавсия этди

Ню Йоркдаги журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси баёнотида айтилишича, Азимжон Асқаровга нисбатан тергов иши, унинг адвокатлари билдирган фикрлар, халқаро ташкилотларнинг бу борадаги билдирувлари ўрганилиб чиқилган.

Адвокатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг баёнотларида Азимжон Асқаровга нисбатан тергов жараёнида қийноқлар қўлланилгани айтилади. Шундан келиб чиққан ҳолда журналистларни ҳимоя қилиш кўмитаси халқаро ҳамжамиятни "Қирғизистон ҳукуматини инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги борасидаги халқаро ҳамда ички мажбуриятларини бажаришига чақиришга" даъват этади.

Мазкур халқаро ташкилот Қирғизистон Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага Азимжон Асқаровга, унинг акасига нисбатан қийноқлар қўлланилиши ҳолатини теран ўрганишни, маҳбусларни қийноққа солган ҳуқуқ-тартибот ходимларини жиноий жавобгарликка тортишни тавсия қилган.

Қирғизистонлик бир қатор нодавлат ташкилотлари ҳам қирғиз ҳукуматидан Азимжон Асқаров ишини қайта кўриб чиқишни талаб қилишмоқда. Қирғиз ҳуқуқ фаоллари Асқаровга нисбатан жиноят иши сохталаштирганини айтиб келадилар.

- Биз ҳозирдан бошлаб Азимжон Асқаровни озодликка чиқариш бўйича бундан-да кўпроқ ишлашни бошлаймиз. Бир киши томонидан қў-

йилган, ноқонуний ва коррупциялашган судьялар Қирғизистонни шу аҳволга олиб келишди. Биз Асқаровнинг яқинларига ва ҳамфикрларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз. Биз эркинлик учун курашни давом эттираемиз, Азимжон Асқаров ва бошқа бегуноқ қамалганлар озодликка чиқади, - деди қирғизистонлик таниқли ҳуқуқ фаоли Тўлейқан Исмаилов.



Бишкекдаги "Фуқаролар коррупцияга қарши" нодавлат ташкилотининг маълум қилишича, маҳкама жараёнида Азимжон Асқаров ҳимояси гувоҳлари чақирилмаган.

Асқаров иши бўйича ўтган суд жараёнларини кузатиб борган жалолободлик ҳуқуқ фаоли Абдумалик Шарипов қуйи инстанция судларида ҳам кўплаб қонунбузарликлар кузатилганини айтди:

- Бу ерда ҳар бир судланувчига уларни қонун доирасида ҳимоя қилинишига имконият берилиши керак эди. Бу ерда адвокатлар судланувчи олдида киролмаса, адвокатлар калтакланса, адвокатлар қўрқитилса, айбланувчилар томонидан келган гувоҳлар судга қўйилмаса, бу ерда процессуал қонун-қоидалар жуда кўпол равишда бузилган. Биз бу ҳақда доим очиб айтиб келганмиз. Шунинг учун, яна тақрорлайман, бу ерда ноҳақ, ноқонуний қарор чиқарилган, - дейди Абдумалик Шарипов.

Айни пайтда Қирғизистон расмийлари, жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари Азимжон Асқаровга қўйилган айбловлар маҳкама жараёнларида исботланганини айтиб келади.

Қирғизистоннинг Бозорқўрғон туманидан бўлган ўзбек миллатига мансуб ҳуқуқ ҳимоячиси Азимжон Асқаров Ўш қирғини ташкилотчиларидан бири сифатида айбланиб, бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.

Халқаро ҳамжамият Асқаров ишини сиёсийлаштирилган ва сохталаштирилган деб таниган.

Сиёсатчилар, ҳуқуқ ҳимоячилар ва сиёсатшунослар - Қирғизистондаги ўзгаришлар ҳақида фикрлари

ИЮНЬ ФОРУМ ИЖКИ

• "Фарғона" ахборот агентлиги

Бундан икки йил муқаддам Қирғизистонда фожиали июнь воқеалари бўлиб ўтган. Маҳаллий аҳоли миллатлараро тўқнашувни ҳозир "уруш" деб эслайди. Шу вақт мобайнида мамлакатда анча ўзгаришлар содир бўлди. "Фарғона" агентлиги икки йил давомида мамлакат жанубида амалга оширилган барча иш ва воқеалар: қайта тиклаш ишлари-ю, жануб аҳолисига кўрсатилган ёрдам, суд процесслари ҳамда милиционерларнинг бошбошдоқлиги, тобора авж олиб бораётган миллатчилик ҳамда расмийларнинг ҳамда титул миллати саналган қирғизларнинг ўзбекларга нисбатан муносабати ўзгариб бораётгани ҳақида ёзиб келган. Бугун эса "Фарғона" ахборот агентли-

гининг "мамлакатда икки йил ичида нималар ўзгарди?" деган саволига сиёсатчилар, сиёсатшунослар ва ҳуқуқ ҳимоячилар жавоб бераёптилар.

Расмий маълумотларга кўра, 2010 йил июнь ойида содир бўлган қонли тўқнашувлар давомида 500 киши ҳалок бўлган, норасмий маълумотларга кўра, - икки мингдан зиёд инсоннинг ёстиғи қуриган. Расмий маълумотга кўра, фожиали воқеалар давомида мамлакат жанубида 3746 та кўчмас мулк объектлари йўқ қилинган, уларнинг аксарияти ўзбекларга тегишли. Кўзгатирилган 5 мингдан зиёд жиноят ишларининг 79 фоизида ўзбекларга қарши айблов қўйилган. Жиноий жавобгарликка тортилган 545 кишидан тўрт юзтаси ўзбек (73,3%) ва 133 таси қирғиз (24,4%)

Хизмат сафари боис жанубга тез-тез бориб тураман, бундан ташқари, у ерда яшайдиган танишларим жуда кўп. Шунинг учун ишонч билан айта оламаники, икки йил мобайнида жанубда вазият анча ўзгарган.

Расмийлар фарази бўйича ўзгаришлар ижобий, - албатта бунга этник келишув концепциясининг яратилиши кўмак берган.

Амалда эса, июнь воқеалари ортидан Ўзбекистонда чоп этилган дарсликлар мактаблардан олиб йўқ қилинди, мамлакатда ягона Ўзбек-қирғиз университетининг номи ўзгартирилди, ўзбек миллати вакилларига нисбатан милиционерларнинг бошбошдоқлиги, қийноқлар ҳамда адолатсиз суд ҳукмлари мисли кўрилмаган даражага етди, фуқаролар ёппасига мамлакатни тарк эта бошладилар, ўзбек

тилидаги оммавий ахборот воситалари тугатилди. Ўша машғум воқеалардан сўнг икки йил ўтиб ўзбеклар қоронғи тушганида ўзлари яшаётган шаҳарда кўчага чиқишдан кўрқиб қолдилар.

Мамлакат жанубида вазият ҳамон таранг қолмоқда ва бунга сўнгги икки воқеа ҳам далил бўлади: 5 март куни Ўш шаҳар кенгашига ўтадиган сайловларга бағишланган ҳамда 1 март куни бўлиб ўтган муҳолифатнинг митингида ўзбекларга қайси партияга овоз бериш кераклиги ҳақида "кўрсатма" берилди, сайлов куни эса ўзбекларни сайлов участкаларига киришларига куч ишлатиб йўл қўйилмади.

"Фарғона" ахборот агентлиги сиёсатчиларга, сиёсатшуносларга ва ҳуқуқ ҳимоячиларга "Мамлакат жанубида июнь воқеаларидан сўнг нималар ўзгарди?" деган савол билан мурожаат қилди.

Азиза АБДИРАСУЛОВА:
"Ўзбекларнинг ҳуқуқлари
камайди"



Таниқли ҳуқуқ ҳимоячи,
"Қилим Шами" нодавлат
ташкilotининг раҳбари
Азиза Абдирасулованинг
айтишича, "2010 йил фо-
жиасидан сўнг расмийлар
ўзбекларнинг ҳуқуқларини
чеклаш учун дастакланган

асос топиб олди. Ўшанда турли комиссияларнинг хулосалари ўзбекларнинг июнь воқеаларига қадар фойдаланиб келган ҳуқуқларни камайтиришга асос берди".

"Балки менинг сўзларимни тушуниш қийиндир. Тушунтириш учун мисоллар келтираман. 2010 йил июнгача кадрлар сиёсати қандай эди? Қирғизистон жанубида милициянинг 11-17 фоизи ўзбеклар эди, бугун 2-3 фоиз қолди. Илгари ўзбек тилида радио бўлган, телевидение кўрсатган, газеталар чоп этилган. Ҳозир эса бирорта ўзбекча ОАВ қолмади. Ўзбек мактабларини қирғизчага аайлантираёптилар. Шахсан ўзим ўзбек мактабларда бирорта ҳам ўзбек тилида ёзилган услубий қўлланма ёки вивескани кўрмадим", - дейди ҳуқуқ ҳимоячи.

"31 май куни ўзбек маҳаллаларида рейд ўтказиб, ўзбек йигитларини ушлаб военкоматларга олиб кетдилар. Уларга ҳатто чақирув қоғозлари ҳам берилмаган, ҳолбуки ушланган болалар орасида талабалар ҳам бор эди, - дейди Абдирасулова. - Мен бу мавзунини кўтарганимда, мендан "Нима, ўзбеклар армияда хизмат қилмаслиги керакми?" дея тергай бошладилар. Армияда ҳамма хизмат қилиши

кераклигини ҳеч ким инкор этмаяпти. Ахир, уларни қонун-қоидага амал қилган ҳолда чақирса бўлмайми? Нега энди ўзбекларни тунда кўчаларда, уйларда қувлаб ушлаб военкоматга жўнатишади? Кимга керак бўлиб қолди бу?

Ҳамма ўзбеклар биринчи бўлиб ҳужум бошладилар, ўзбек тилига расмий мақом олишни, автоном бўлишни

истагандилар, мана энди олишсин деяпти. Қаранг, давлат 2010 йил воқеаларга ҳуқуқий баҳо бермай фақат сиёсий баҳо бериш билан чекланиб қолаяпти. Ва бу сиёсий баҳо жанубда бугун ўзбекларга бўлган муносабатни оқлаш учун хизмат қилаяпти. Нафақат оддий фуқаролар, балки маълум бир мансаб ва лавозимларни эгаллаган одамлар ҳам давлат ўзбекларга нисбатан тўғри сиёсат юргизаяпти, дея ишончи комил", - дея аччиқланади Абдирасулова.

"Июнь воқеаларидан сўнг нималар ўзгарди?" деган саволингиз жуда мураккаб, бунга бир оғиз сўз билан жавоб бериб бўлмайди. "Миллатчилик" дейми? Ёки "радикал ватанпарварлик"? Бу сўзлар ҳам тўғри келмаяпти. Қасддан ёки билмай туриб бўлиб ўтган воқеаларга ҳуқуқий баҳо берилгани йўқ. Барча миллий, парламент, халқаро комиссиялар давлатнинг адолатли бўлишига ҳалақит бераёпти. Нисбатан анча адолатли хулоса чиқарган халқаро комиссия ҳам расмийларга: "Содир

бўлган воқеага ҳуқуқий баҳо беринг, ўшандан келиб чиққан ҳолда биз сиёсий баҳо берамиз", дея билдириши керак эди. Ҳақиқий айбдорларни аниқлаш бўйича на Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси, на Бош прокуратура, на ИИВ бирор иш қилгани йўқ. Биз уларга минглаб муайян фактлар, материалларни тақдим этамиз, аммо улар ҳеч қандай текширув ўтказмайдилар. Бунинг сабаби эса оддий - улар бу ишдан манфаатдор эмаслар", - дейди Абдирасулова.



Азимбек БЕКНАЗАРОВ:
"Қирғизлар билан ўзбеклар ўртасидаги муносабат яхшиланаяпти"

Муваққат ҳукуматнинг собиқ аъзоси Азимбек Бекназаров эса бунга қарама-қарши фикр билдирди. Унга кўра, "ўшанда сепаратистларга қаттиқ зарба берилган". "Бугун ҳеч ким очиқ-

сига сепаратистик фаолият юргизмаяпти, миллатчилик руҳида сафсата сотмаяпти, ўз ҳуқуқлари борасидаги "қуруқ" гаплар ҳам камайиб қолди. Нафақат давлат, балки халқнинг ўзи, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари барқарор Қирғизистонда тинч-тотув яшаш керак деган хулосага келдилар".

"Сепаратистик кайфиятдаги сиёсатчиларга камроқ ишона бошладилар. Шу та-

рафдан яхшиланиш бор. Агар бирор кимса сепаратистик фаолиятни давом этмоқчи бўлса, бу иш билан Москвада ёки бошқа давлатларда шуғулланадилар", - деди сиёсатчи.

Бекназаровга кўра, аҳвол ҳечам ёмонлашгани йўқ: "Биз босқичма-босқич, илгари силжияпмиз. Миллатлараро муносабатлар яхшиланаяпти, ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида ишонч пайдо бўлаяпти... Ҳа, мен жанубга тез-тез бориб тураман, шаҳар тикланаяпти, одамлар квартира олишяпти. Албатта ҳаммага бирдангина квартира бера олмаймиз, ахир Қирғизистон бунақа бой давлат эмас..."

Марат КАЗАКПАЕВ:
Президент муаммоларни
ҳал қилишдан бўйин товляпти

Қирғизистонлик сиёсатшунос Марат Қазақпаевга кўра, жанубда қирғизлар билан ўзбеклар ўртасидаги тафовут ўсиб бораёпти, ўзбеклар тушкун кайфиятда мамлакатни тарк этаёптилар. "Тўқнашув асоратларини йўқотиш учун икки йил оз, бунга анча вақт керак.

Эҳтимол, марказдаги ҳокимият эпчилроқ бўлганида, ишлар тезроқ юришармиди. Аммо ҳозирча жанубда фақат нодавлат ташкilotларининг ҳамда баъзи сиёсатчиларнинг уринишлари сезилаяпти, холос, - деди Қазақпаев. - Мен мамлакат президенти бутун халқнинг ишончига сазавор бўлган дея олмайман. Бунга мамлакатнинг жануб ва шимолга, сиё-



ЖИАСИГА ИЙИЛ

сатчиларнинг эса шимоллик ва жанубликларга бўлинишлари таъсир кўрсатаяпти деб ҳисоблайман. Бунга президент айбдор деб ҳисоблайман. У ўз хизматларини кўз-кўз қилишдан кўра, ўз фаолияти билан халқни бирлаштиришга ҳаракат қилиши, ички сиёсий изоляцияда бўлиши керак. Мен шундай деб ўйлайман.

Президент атайлаб муамоларни ҳал этишдан бўйин товляпти. Бунга баҳона – мамлакатимиз парламент республикаси, у ҳеч нарса учун жавоб бермайди ва ҳеч нарса қилмайди. Бундай ҳолатга халқ ҳам бефарқ бўлиб қолаётгани қайғули. Ахир халқ Атамбаевни президент қилиб сайлаганидан кейин, Атамбаев халқнинг муамоларини ҳал этиши керак. Аммо Атамбаев ҳамма нарсани парламентнинг зиммасига юклаб қўйди, баъзан аввалдан тайёрлаб қўйган интервьюлар билан чиқади, Россияга ва бошқа мамлакатларга ташриф билан боради, кейин бўлса, бир зумда кўздан ғойиб бўлади. Биз президентни чет элга сафарга чиққанида кўраёпмиз, холос.



Бунақада ҳокимият жанубни қўлдан чиқариб қўяди. Шунинг учун ҳам сайловчилар икки йил ўтса ҳам марказий ҳокимият қўлининг таъсирини сезмаёптилар”, - деди Қазақпаев.

Тўқон МАМИТОВ:
Миллатчилик даражаси ўсди, сепаратизм бутунлай тугатилмади

Жўқўрғу Кенеш депутати Тўқон Мамитов (у июнь воқеаларини текшириш бўйича депутатлик комиссия раиси бўлган) шу чоққача жанубдаги икки гуруҳ ўртасидаги ўзаро муносабат, ишонч, ҳурматни аввалги даражага кўтариб бўлмаганини тан олди.

“Бироқ мен миллатчилик даражаси кўтарилди дея олмайман. Маиший даражада миллатчилик бор, бу нарса аввал ҳам, ҳатто советлар даврида ҳам бўлган. Агар Қодиржон Ботиров бошлиқ сепаратистлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар муваффақиятсизликка

учрадилар. Аммо бу одамлар Европада ўзларига янги ҳомий топиб олиб қирғиз халқининг яхлитлигига қарши сепаратистик фаолиятларини давом эттирадилар. Шунинг учун ҳам мен сепаратизм бутунлай тугатилган дея олмайман”, - деди Тўқон Мамитов.

Марс САРИЕВ:
Жанубда ҳаёт изга тушяпти, аммо барқарорликка ҳали анча бор

Қирғизистонлик сиёсатшунос Марс Сариев мамлакат жанубида икки йил ўтиб нисбатан барқарорлик ўрнаганини “Энг яхши хушхабар” дея ҳисоблар экан. “Қандайдир даражада ҳаёт изга тушяпти. Албатта, жойларда бошбошдоқчилар бор, милиция ҳам ўзбошимча, аммо аввалги, июнь воқеалари давридаги каби қўламларда эмас. барқарорликка анча борлигига қарамай, биз аста-секин ҳуқуқий ўзганга ўтиб бораёпмиз, одамлар энг асосийси тинчлик ва барқарорлик эканини тушуна бошладилар. Яхши адоватдан кўра ёмон тинчлик яхши, деганларидек”, - деди Марс Сариев.

“Барқарорлик ва миллатлараро муносабат ривожланиши бундан тезроқ суратларга чиқса, айни муддао бўларди. Энг асосийси – бунинг учун мамлакат раҳбарлари ҳамда икки халқ шуни ирода қилаёпти. 30 май куни Бишкекда халқаро кўча театрлари фестивали ниҳоясига етди. Унда ўзбеклар жуда яхши томоша кўрсатдилар. Бу миллатлараро муносабатлар соҳасида сиёсат юргизилаётгани ҳақида дарак беради”, - дея қайд этди сиёсатчи.

“Кўп масалаларни ҳал қилишда жануб қандайдир даражада марказга бўйсунмаётгани, бундан ташқари, криминал тизим ўзбеклар жамоасига босим ўтказаятганини қайд этмоқчиман. Криминал тизимлар масаласини қать-



ият билан, Бишкек миқёсида ҳал этмоқ лозим, чунки айнан жиноятчи гуруҳлар шу чоққача миллатлараро тарангликнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатмоқда”, - дея хулоса қилди сиёсатшунос.

Нурбек ТЎҚТАКУНОВ:
Тўқнашувнинг барча илдизлари бутун

“Прецедент” Нодавлат ташкилотининг раҳбари Нурбек Тўқтакунов юқоридаги саволга жавоб бера туриб шундай деди: “Ўша воқеалар мамлакат ҳуқуқ-тартибот ва суд тизимидаги вазиятни таранглаштириб қўйди. 2010 йил июнь воқеалари кучишлар тузилмаларини ҳаракатсизликка, беқарорликка ва коррупциялашувига олиб келди. Аҳоли ҳуқуқ-тартибот органларига ишонмай қўйди. Ҳудди шу нарса биз учун жуда катта таҳдид бўлиб қоляпти. Мамлакатда исталган дақиқада реал таҳдидлар пайдо бўлиши мумкин. Ҳар қандай мамлакатда айнан ҳуқуқ-тартибот органлари ўзларининг пухта фаолияти билан бундай таҳдидларни бартараф этадилар, биз эса бунақасини орзу қиламиз, холос”.

Юристка кўра, июндан кейин бошланган суд процеслари мамлакатдаги суд тизимининг барча иллатларини юзага чиқариб, очиқ ва равшан кўрсатиб қўйди.

“Ижобий ўзгариш сифатида мен парламент сайловларини қайд этишим мумкин. Ўша сайловдан сўнг бизда соғлом сиёсий рақобатчилик туғилди. Аммо бўлиб ўтган қонли можаронинг барча илдизлари бутунлигича қоляпти. Яширин бизнес сиёсий элитанинг чўнтагини қаппайтираётгани маълум, жанубда ҳам ўша ҳолат. Бу бизнеснинг аввалги барча оқимлари тикланди, тинч ҳаёт тикланганга ўхшаб кўринаяпти, аммо пул масаласи ортидан тўқнашувлар қайта бошланиб кетиши мумкин”, - деди адвокат.



Қирғизистон омбудсмани: “Ўзбекларнинг ҳуқуқлари поймол этиляпти”

• БиБиСи Ўзбек хизмати

Қирғизистон парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Турсунбек Акун мамлакат жанубидаги этник ўзбекларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётганини айтган. Жаноб Акун қирғиз милицияси, прокуратура ва суд идораларини ўзбекларга қарши қонунсизликлар содир этаётганликда айблаган. Қирғиз Омбудсманининг баёоти июн воқеаларининг икки йиллик санаси арафасида янграмоқда.

Қонли воқеаларда беш юзга яқин инсон ҳалок бўлган, минглаб одамлар уйларини ташлаб чиқишганди. Қурбонларнинг етмиш фоизи ўзбеклар экани айтилган. Айни пайтда воқеаларда айбланган, жазога маҳкум этилганларнинг ҳам расман етмиш фоиздан кўпроғи ўзбеклардир. Биз билан суҳбатда Турсунбек Акун орадан икки йил ўтганига қарамай, Қирғизистон

жанубидаги вазият таранглигича қолаётганини айтди:

Жавоб: Бизнинг Омбудсман идорамизга мурожаат қилаётганларнинг 95 фоизи ўзбеклар. Улар биздан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишимизни сўрашади. Сабаби - Ўш ва Жалол-Обод вилоятларида яшаётган ўзбеклар ҳуқуқ-тартибот идоралари, шунингдек, суд ва маҳаллий ҳокимият идораларининг таъқибларига дуч келишмоқда. Айрим қирғизлар ўзбекларнинг ерлари ёки бизнесларини шунчаки босиб олаётган ҳоллар мавжуд. Суд идоралари эса, мол-мулки олиб қўйилган ўзбекларни ҳимоя қилиш ўрнига, аксинча, уларнинг ҳуқуқларини янада кўпроқ поймол қилаёпти. Июнь воқеаларидан кейин ўзбеклар ўзларини “иккинчи даражали одамлар” деб ҳис қилишаётганини айтадилар. Қирғизистон жанубидаги вазият таранг ва оғирлигича қоляпти.

Савол: Июнь воқеаларидан жабр кўрганларнинг расман 70 фоиздан кўпроғи ўзбеклар бўлишига қарамай, айбланганлар ва қамалганлар-

нинг ҳам етмиш фоизини ўзбеклар ташкил этиши айтилади. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

Жавоб: Биласизми, милиция идораларида ишлаётганларнинг тўқсон-тўқсон беш фоизини “титул



миллат” - қирғизлар ташкил этади. Ўзбеклар деярли йўқ ёки жуда кам сонда. Бу эса жорий вазиятга катта таъсир кўрсатаяпти. Баъзида милиция жиноят содир этган қирғизнинг ўрнига ҳам ўзбекни ҳибсга олади. Яъни жиноятни қилган қирғиз, аммо айбдор яна ўзбек. Чун-

ки милиция ва давлат идорасида ўтирганлар қирғиз. Миллатчилик муаммоси, афсуски, мавжуд. Албатта, милиция ва прокуратурада ҳам ҳалол, зиёли, ҳамма миллатга тенг муомала қиладиган яхши ходимлар кўп. Аммо афсуски, кўпроқ миллатчи ходимлар ҳуқуқ-тартибот идораларининг обрўсини туширмоқда.

Савол: Аммо миллатчилик фақат милицияда эмас, парламентда ҳам яққол кўзга ташланади ва миллатчи қирғиз сиёсатчиларининг овози тобора баралла эшитилаёпти. Сиз агар миллатчилик жилоланмаса, вазият назорат остидан чиқиб кетади, деб ўйламайсизми?

Жавоб: Ҳа, сиз ҳақсиз. Миллатчилик парламентда ҳам бўй кўрсатяпти. Айниқса, депутат Жулдузхон Жолдошева тимсолида. Жанубдан, Жалол-Ободдан бўлган Жолдошева миллатчиликнинг энг яққол кўри-нишларини намоён этаёпти. Унинг чиқишларида баъзан шовинизм, баъзида регионализмни ҳам кўриш мумкин. Унга ўхшаган депутатлар ўзларининг шахсий манфатлари йўлида юксак минбарлардан фой-

даланишмоқда. Депутатлик ваколатини суистеъмол қилмоқдалар. Мен айрим депутатларни миллий низо кўзгадан айблаб, очикдан-очик танқид қилиб келаман.

Савол: Миллатчилар ҳақида гап кетганда энг кўп ўшнинг амалдаги ҳокими Мелис Мирзақматовнинг номи тилга олинади. Таҳлилчилар Мирзақматов миллий муаммонинг бир қисми эканини айтишади. Сизнинг бу борада фикрингиз қандай?

Жавоб: Албатта, бу ҳам муаммонинг бир қисми. Менинг фикримча, Мирзақматов давлат арбоби сифатида оддий бир шахсият эмас. У Ўш шаҳри учун кўп иш қилди. Уни қирғизлар қўллаб-қувватлашади. Бунга шубҳа йўқ. Аммо иккинчи томондан, у қайсидир даражада миллатчилик, ноҳилислик ҳам қилаёпти. Ваҳоланки, у шаҳар ҳокими, шаҳарнинг отаси сифатида у ерда яшайдиган барчага бирдек муомала қилиш керак. Афсуски, бундай бўлмаёпти. Шунинг учун давлат ҳокимияти идоралари, президент, парламент бу масалада иш олиб боришлари керак

Президент Алмазбек Атамбаевнинг 10 – 12 июнда Ўшга қилган расмий ташрифидан лавҳалар

1 “Тинчлик қўнғироғи” монументал композициясининг очилиш маросими.



3 2010 йилнинг июнида қурбон бўлганларнинг қариндош - уруғлари билан учрашув



6 ДМХКнинг Чегара қўшинлари штаби

7 Мудофаа вазири Жанубий - ғарбий ҳудудий қўмондонлигининг ҳарбий қисми



2 Июнь воқеаларининг 2 йиллигига бағишланган хотира митинги



4 “Айқўл Манас” монументал мажмуасининг очилиш маросими

5 “Сулайман - Тўй” масжидининг очилиши



8 “Оналар кўз ёши” ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди



Ў. Бабанов: Қонунсиз йўл тўсганларга миллион сўмгача жарима солиш керак

• БиБиСи Қирғиз хизмати

Қирғизистоннинг ҳукумат бошчиси Ўмурбек Бабанов митинг, пикетларни чеклаш ташаббусини қайтадан кўрди. Ҳукумат йиғинида Бабанов охири тугамаган митинглар иқтисодиётга терс таъсир кўрсатаётганини айтиб, қонунсиз митинглар учун жарима пулларини миллион сўмгача кўпайтириш керак, деди.

Бунгача ҳам Ўмурбек Бабанов ўлкада 3 йилгача митингларга мораторий эълон қилиш таклифини муҳолифат вакилларига йўллаган эди. У охири тугамаган норозилик акциялар чет эл сармоядорларини қочириб, ўлка иқтисодиётига терс таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаган.

Охири кўринмаган митинглар бўлса Қирғизистон учун одатий кўриниш. Ўз вақтида Бабанов ҳам норозилик акция-

ларининг бошида туриб, конституциявий ўзгаришлар учун қақриқ ташлагани кўпчиликнинг эсида. Ёш сиёсатчи айнан ўша митингларда олдида бўлиб кўпчиликка танилган.

Қирғизистонда ҳукумат ҳам, муҳолифат ҳам халқнинг номидан гапириб, биринчиси митингларни тўхтатиб, ҳукуматга вақт бериш керак эканлигини айтиб келади. Иккинчиларнинг жавоби доим тайёр. Ҳукуматни алмаштиришни биз эмас, халқ



талаб қиялпти дейишади. Лекин митинг пикетларни чеклаш ташаббусини ҳозир президент қўлламаслигини бунгача айтган эди. Алмазбек Атамбаев икки марта ҳукуматни алмаштиришга аралашган “революционер” қатори таниқли. Атамбаев бугуннинг ўзида митингларни тўхтатиш керак деган ўйни қўлламайди. Унинг айтишича митинг, пикетлар бу демократиянинг кўриниши, шунинг учун унга кўниш керак. Лекин Атамбаев митинг йўли билан иқтидор қилиб, ҳукумат алмаштириш ҳаракатлари қонунсиз эканини айтади.

Ҳуқуқ тартибот органлари-

нинг маълумоти бўйича Қирғизистонда йилига мингдан ортиқ митинг пикетлар бўлади. Бу бир кеча-кундузда икки ёки уч митинг бўлади дегани.

Норозилик акциялари қўлами бўйича ҳам, феъл - атвори бўйича ҳам турлича. Сўнгги 10 йилдаги энг қўламли митинг деб, ҳукумат алмашишига олиб келган апрель ва мартдаги норозилик акциялари айтилиб келинади. Уларнинг ичида “жанийт дунёсининг бошчиси” деб танилган Рысбек Акматбаев ўз тарафдорларини бошлаб оқ уйнинг олдида келиб ҳукуматга талаб қўйгани ҳам кўпчиликнинг эсида.



Бир ойлик аскар хизмати йўқ қилинди

Қирғизистонда армияга ҳақ тўлаб хизмат ўташ йўқ қилинди. Бундай қонунга ўлка президенти имзо чекди

• Азаттиқ радиоси

Янгидан ўзгартирилган қонунга лойиҳа, 12 минг сўм тўлаб кейин бир ой хизмат ўташ билан аскарлик мажбуриятдан қутулиш тартиби йўққа чиқарилди.

Тўрт-беш йилдан бери ишлаб келган бу қонун йўққа чиқарилишини Мудофаа вазирлигининг тарбия ишлари бўйича бошқармасининг етакчиси Эрнис Эламанов “Азаттиққа” қуйидагича тушунтирди.

Бир ойлик хизмат тўлиғи билан йўққа чиқарилди. Бундан кейин бизнинг аскарлар альтернатив ва бир йиллик хизматнигина ўташади. Бир ойлик хизмат зўр таъсирли бўлмаганлиги учун тўхтатилди. Биз бир ойнинг ичида тўлақонли аскарни тайёрлай олмас эканмиз. Бунинг устига кўпчилик 12 минг сўмни тўлаб қўйиши билан 24 куннинг ичида аскар хизматини ўтадик деб кетиб қолишмаяптими.

Аскарга ёши етган ўғлонлар учун енгиллатилган хизмат ўташни йўққа чиқариш ҳақида

қонунни Жоғорку Кенешнинг депутати, аввалги Мудофаа вазир Исмоил Исақов ишлаб чиққан. Қонун ташаббусчисининг айтишича, хизмат ўташнинг бу тури бунингсиз ҳам аранг юрган армиядаги коррупциявий ишлар кўпайишининг ва армиянинг ички сифати ночорлашини тузаяпти.

Бу хизмат ҳеч кимга фойда олиб келгани йўқ. Аксинча, ҳозирги бир йиллик хизматга зарар кўрсатиб фуқароларнинг моддий аҳволига яраша бўлиб, айримларининг ҳуқуқларини поймол қилаяпти. Бир йиллик хизматга кўпчилик бормай қолди. Бундай заҳирани тайёрлашдан ўтганлар агар эртага уруш чиқадиган бўлса халқ эмас, ўзини ҳам ҳимоя қила олмайди.

Қирғизистонда 12000 сўм тўлаб, бир ойлик тайёрловдан ўтказишни аввалги ҳукумат армиядаги коррупцияни кўпиртириб, бу тармоқдаги сўл чўнтакка кетаётган ҳаражатни ўлка хазинасига буриш ҳаракати билан тушунтирган. Бироқ жамоатчиликда бу ҳақида қарама - қарши фикрлар айтилган эди.

Масалан Қўй -Тош аскар бў-

лимида хизмат ўтаётган Азиз армиядаги тенгсизликни “Азаттиқ”нинг хабарчиларига бундайча баён қилди:

Бояги мобилизациялашга чақириб деб бир ой хизмат қилишмаяптими. Бунга фақат вардор



одамларнинг боллари келади. Оддий одамлар бўлса мана бундай қилиб аскарга борамиз. Улар келганда юрагимиз “жиз” этади, нима учун улар бир ой, биз бир йил деб. Аслида ҳаммасига бирдек шароит тузилиши керак. Биз армиядан чиқиб иш топмай ҳар кимга ялинамиз, бир ой хизмат

ўтаб қўйиб улар катта хизматларни эгаллашади.

Энди бу тартиб тўлиғи билан кучини йўқотди. Шу билан бирга аскар хизматини ўташ ҳақидаги қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Унга лойиҳа,

Ундай қилган билан ҳам бу ўзгартиришлар армиядаги аҳволнинг яхшиланишига шарт тузилишига гумон қилганларнинг сони талайгина. Улардан бири Миллий Гвардиянинг аввалги қўлбошчиси, генерал Абдигул Чотбаев:

27 ёшдан 25 ёшгача тушириб қўйиш билан ҳеч нарса ўзгармайди. Офицерларни эса яна уч йил ишласин дегани тўғри. Сабаби, бизда офицерлар 50 ёшида пенсияга кетишади. Ахир 50 ёш кучга тўлиб, ҳамма томонлама ақлли бўлиб турган вақтида, бироқ бундан айтарли бирор нарса ўзгарадими деган савол қўйилапти. Бундай ўзгаришдан ҳеч нарса яхшиланиб ҳам кетмайди. Бунинг ўрнига армияга пул бўлиб унинг шароитини яхшилаш керак.

Мобилизациялик заҳира тузиш 2009 - йили сентябрда аввалги президент Қурманбек Бакиевнинг ёрлиғи билан бошланган. Мудофаа вазирлигининг маълумотига мувофиқ, бу вақт оралиғида 17000 дан ошди аскарга яроқли ўғлонлар хизмат ўташнинг айнан шу турини танлашган.

Азиз ўқувчи!

Газетамизнинг кейинги сонидан бошлаб, “Хуқук” рукнини очамиз. Унда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маълумотларни доимий чоп этиш ниятидамиз. Агар, Сизнинг ҳуқуқингиз паймол этилаётган бўлса, Бизнинг таҳририятга хат йўллашингиз мумкин. Биз, ўз навбатида, Сизни қийнаётган муаммони Қирғизистон ва Халқаро қонунлар доирасида ҳал этиш йўлида ҳамкорларимиз ёрдамида маълумот берамиз.

• Озодлик қадри •

Қорасув райони Наримон қишлоғи, Бангилик участкасида яшаган, 2010 йилдан буён турмада умрбод эркинлигидан ажратилган, 3 фарзанднинг отаси Дилмуроджон Ҳайдаровни мисраларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



Зар қадрини заргардан сўра,
Озодлик қадрини тутқиндан сўра,
Очлик қадрини очлардан сўра,
Турма азобини бизлардан сўра.
Аллоҳим, Аллоҳим кўриб турибсан,
Кимда айб эканин билиб турибсан,
Қодир Аллоҳим сабр қил дея,
Гуруримни яна ҳам синаб турибсан.
Гуруримни синдирма Аллоҳ,
Етимдайин хўрланган,
Эрлар тўламоқда миллат товонин,
Етимлар қамоқда, Ҳақимлар қаёқда?

Миллатга давогарларимиз миллат шаънини кўриқлаш билан оворамиз?
Ёки шахсий мулкларини ҳимояси билан бандмилар? Бунини натижасини ишларни кулами кўрсатади. Вақт олий ҳакам!



Хитой ниҳоят Ўзбекистонни ҳам “забт” этмоқда

Президент Ислам Каримовнинг Хитойга сўнгги ташрифи мобайнида савдо-сотик, нефть-газ ва Ўзбекистонга Шинжон-Ўй-ғуристонидан поезд йўли келтириш ва Навоийдаги халқаро ҳабга уланишга оид ўнлаб шартномалар имзоланган. Мутахассислар жами келишувлар нарҳини 5 миллиард АҚШ долларида кўпроққа баҳолашмоқда.

Ўзбек тужорлари учун Хитой визасини олиш осон ва Ўзбек тужорлари сўнгги йиллари Хитойдан ҳаво орқали йирик миқдорда мол келтириш учун шароитлар ўнғайлигини айтишади.

Бугун яхши, эртагачи?

Хитойнинг кириб келиши анча камбағал Марказий Осиёда бугун хуш қаршиланиши мумкин. Чунки янги иш ўринлари яратилмоқда.

“Қорақалпоғистонда хитойликлар тузли денгиз тубида ҳам ўсадиган шифобахш қизилмия ўсимлиги илдизини ишлаб чиқара бошлади ва янги корхонада кўплаб одамлар ишлашмоқда” - дейди Анвар Хусайнов.

Аммо узоқ келажақда Хитой таъсири салбий бўлиши мумкин, деган хавотирлар ҳам кучли.

“Хитой Ўзбекистонни пахта хомашёси ишлаб чиқарадиган базага ва ўз арзон моллари сотиладиган бозорга айлантarmoқчи” - дейди Тошкентлик ишбилармон - “Илгари Россия бизни шу аҳволга солганди. Энди Хитой шундай қилмоқчи”.

“Пахтадан Ўзбекистон яхшилик кўрмаган ва иқтисодимиз тараққий этиши учун ундан воз кечишимиз керак”.

Таҳлилчиларга кўра, Ўзбекистон пайабзал ва тўқимачилик саноатлари шундоқ ҳам Хитойнинг арзон оёқ кийимларига дош беролмай қолмоқда.

“Ўзбекистон эса ғарб сарможаларини жалб этишга интилиб, ўз маҳсулотларини Оврўпога сотишга интилиши лозим” - дея хулоса қилади Анвар Хусайнов - “Акс ҳолда, эртага Ўзбекистоннинг тетапоя қилаётган бошқа саноати, мева-сабзавот қайта ишланадиган ва бошқа анъанавий соҳалари ҳам Хитой билан рақобатга дош беролмай касодга учраши мумкин”.

44 давлат билан визасиз тартиб

• CA-NEWS

Қирғизистон парламенти 44 давлатга 60 кун муҳлатга визасиз тартибни жорий этишни қўллаб-қувватлади

Жўғўрку Кенеш 14 июнь кунги навбатдаги мажлисида учинчи ўқилишда бир неча давлатлар фуқароларига “60 кунлик муддатга визасиз тартибни жорий этиш тўғрисидаги” қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Жўғўрку Кенешнинг халқаро ишлар бўйича комитети раиси Алмазбек Баатибековнинг (Республика) Tazabek ка хабар қилганидек, 44 давлатлар фуқароларига визасиз тартибни жорий қилиш лойиҳасини чеклаш муддати 2020 йилнинг 31 декабрига қадар узайтирилган.

Депутатнинг хабар беришича, унинг ташаббуси билан аҳоли жон бошига ЯИМнинг минимал миқдори 7500 АҚШ долларига тенг бўлган 44 давлатларга 60 кунлик муддатга визасиз тартибни жорий қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасига 2015-йилнинг 31-декабрда чекловлар киритилган.

Давлатлар тизмаси:

Австрия Республикаси, Бельгия Қиролиги, Босния ва Герцеговина, Ватикан, Бирлашган Буюк Британия қиролиги ва Шимолий Ирландия, Венгрия, Германия Федератив Республикаси, Нидерланд Қиролиги, Грек Республикаси, Дания Қиролиги, Исландия, Ирландия Қиролиги, Испания Қиролиги, Италия Республикаси, Канада, Корея Республикаси, Қувейт Давлати, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Лихтенштейн Қнязлиги, Люксембург Буюк Герцоглиги, Мальта Республикаси, Монако Қнязлиги, Янги Зеландия, Норвегия Қиролиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Польша Республикаси, Португалия Республикаси, Саудия Арабистон Қиролиги, Сингапур Республикаси, Словакия Республикаси, Словения Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Финляндия Республикаси, Франция Республикаси, Хорватия Республикаси, Чехия Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Швеция Қиролиги, Эстония Республикаси, Катар Давлати, Бруней-Даруссалам Давлати, Бахрейн Қиролиги

Россия АҚШ ҳарбий техникасининг Марказий Осиёда қолишидан ташвишда

• Озодлик радиоси

2014 йил охирига бориб Афғонистондан чиқиб кетишга ҳозирланаётган АҚШ ва НАТО бу мамлакатга олиб кирилган улкан миқдордаги ҳарбий техникасининг каттагина қисмини Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда қолдиришни режалашмоқда.

КоммерсантЪ газетасининг 15 июн кунги ёзишича, айни кунларда бу масалада Тошкент, Бишкек ва Душанбе расмийлари билан яширин музокаралар давом этмоқда.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкilotига аъзо давлатлар билан Москванинг

орқасида ҳарбий ҳамкорликни кучайтиришга имкон берувчи бундай режа амалиёти, “КоммерсантЪ” гаплашган Россия дипломатик доиралари вакиллари кўра, Кремл учун мутлақ қабул қилиб бўлмас сценарийдир.

“КоммерсантЪ” газетасининг минтақадаги ҳарбий манбаларига таяниб туриб билдиришича, Пентагон 2012 йилдан кейин Афғонистондаги АҚШ кўшинлари ишлатиб келган ҳарбий техниканинг бир қис-



мини Афғонистонга кўшни бу уч давлат ҳукуматларига бегариз бермоқчи, бир қисмини эса, “масъулият билан сақлаб туриш учун” қолдирмоқчи.

Газета манбаларига кўра, совға қилинадиган ва сақлашга қолдирилган ҳарбий техника ичида зирҳли машиналар, танк ташиладиган трейлерлар, шатакчи танклар, кўчма ёнилғи қуйиш воситалари, грейдерлар, бульдозер ва сув ташувчи цистерналар бор.

Шунингдек, АҚШ Мудофаа вазирлиги Афғонистон кўшниларига тиббиёт ускуналари, алоқа ва ўт ўчириш воситалари, ҳатто кўчма спорт заллари ва ҳарбийлар ҳаёти учун керак бўлган бошқа ускуналарни ташлаб кетмоқда.

“КоммерсантЪ” газетасининг Бишкекдаги манбалари Пентагон билан бу масалада музокаралар кетаётганини тасдиқлаган.

13 март кунги Бишкекка қилган сафар қилган АҚШ Мудофаа вазири Леон Панетта Америка кўшинлари Афғонистондан чиқиб кетганидан сўнг қирғиз армиясини жанговар техника билан жиҳозлаш масаласини бафуржа муҳокама қилишни таклиф этган, деб ёзади Россия нашри.

Дайджест

Муассис
“ISMC” жамоатчилиги жамғармаси

Бош муҳаррир:
Шоҳруҳ СОИПОВ

Газета 2010 йилнинг 29 сентябрь кунги Қирғизистон адлия вазирлиги ўш шаҳар бўлимида 51-рақам билан (гувоҳнома рақами 001112) рўйхатдан ўтган.

Таҳририят манзили: Қирғизистон, ўш шаҳри, Г.Айтиев кўчаси, 6/3.
Телефон: 0553 801 666. Электрон манзил: uzpress.kg@gmail.com

Газета “ОАВни қўллаш маркази” жамоатчилиги жамғармасининг босмаҳонасида босилди.
Бишкек шаҳри, Горький кўчаси 1-б.